

Келин кўйлак

15:01 / 20.04.2018 8294

Савол:

Ассалому алайкум! Хурматли устозлар, рафиқам тўйда киядиган оқ либослар тикмоқчи эди. Сабаби тўйимизда хижоблилар учун кийим топишга қийналган эдик. Шунинг учун рафиқам хижоблилар учун ва бошқа бўлажак келинчаклар учун ибo-хаёликни, миллийликни сақлаш учун ўта оппоқ рангда бўлмаган бошқа рангларда келин кўйлак тикмоқчи.

Тикса бўладими ва буни хукми қандай? Эшитишимизча оқ либос кийиб ҳам тикиб ҳам бўлмас экан. Шу гап тўғрими? Жавобингиз учун олдиндан раҳмат.

Жавоб:

"Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати:

Ва алайкум ассалом!

Ҳозирги кундаги тўй либосларини тикиш ва савдоси билан шуғулланиш жоиз эмас. Бу нарсага ривож берманглар. Буни ўрнига муслималарга иболи ва оддий либослар тикишни ўрганиш керак. Валлоҳу аълам!